

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Үн.25.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

КУЛМАТОВ ШАРОФ АСАДОВИЧ

**ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ МАЖБУРИЯТЛАР ВА УЛАРНИ
БАЖАРМАГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИНГ НАЗАРИЙ,
ҲУҚУҚИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

**12.00.09–Жиноят процесси. Криминалистика,
тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси**

**юримдик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Science (DSc)

Кулматов Шароф Асадович

Жиноят-процессуал мажбуриятлар ва уларни бажармаганлик учун жавобгарликнинг назарий, ҳуқуқий ва амалий жиҳатлари..... 3

Кулматов Шароф Асадович

Уголовно-процессуальные обязанности и теоретические, правовые и практические аспекты ответственности за их невыполнение..... 33

Kulmatov Sharof Asadovich

Criminal procedural obligations and theoretical, legal and practical aspects of account for their nonfulfillment..... 63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 67

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Үн.25.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

КУЛМАТОВ ШАРОФ АСАДОВИЧ

**ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ МАЖБУРИЯТЛАР ВА УЛАРНИ
БАЖАРМАГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИНГ НАЗАРИЙ,
ҲУҚУҚИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

**12.00.09–Жиноят процесси. Криминалистика,
тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси**

**юримдик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.DSc/Yu61 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.akad.mvd.uz-ilmiy-kengash) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Ражабова Мавжуда Абдуллаевна юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Пулатов Бахтиёр Халилович юридик фанлар доктори, профессор Пулатов Юрий Сайфиевич юридик фанлар доктори, профессор Тўлаганова Гулчехра Захитовна юридик фанлар доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш маркази

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Yu.25.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «2» апрель соат 15.00даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил:100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68.Тел./ факс: (+99871)265-22-52; e-mail: info@akad.mvd.uz).

Докторлик диссертацияси билан Ички ишлар вазирлиги Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (103-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68.Тел.: (+99871) 265-22-52.

Диссертация автореферати 2019 йил «18» мартда тарқатилди.
(2019 йил «16» мартдаги 14 рақамли реестр баённомаси).

А.С.Турсунов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори

М.З.Зиёдуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар номзоди, доцент

А.Г. Закирова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (Докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда жиноятларни тез ва тўлиқ очиш, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо бериш ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун процессуал мажбуриятлар ва уларни бажармаганлик учун жавобгарлик институти муҳим роль ўйнайди. Жиноят-процессуал муносабатларда процесс иштирокчиларининг зиммаларига юклатилган мажбуриятларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши жиноят процессининг ҳар қандай босқичини самарали кечишини таъминлайди, жиноят иши бўйича ҳақиқатнинг ўз вақтида қарор топишига замин яратади. Шу боис жиноят-процессуал мажбуриятлар судга қадар ва суд босқичларида муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда жиноят-процессуал муносабатларда процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, процессуал мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ бажариш, процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарликни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш долзарб ҳисобланади. Суд-тергов амалиётида гувоҳ ва жабрланувчиларнинг ёлғон кўрсатув бериши, айрим ҳолларда гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг тергов ва суд ҳаракатлари ўтказилишига тўсқинлик қилиши ёки жиноят процесси иштирокчиларининг процессуал тартибга риоя этмаслиги, баъзан уларнинг далилларни йўқ қилиши, сохталаштириши, гувоҳларни кўндиришга уриниши, айбланувчи ёки судланувчини кафиликка оладиган шахслар томонидан эҳтиёт чоралари талабларининг бузилиши, айрим ҳолларда жиноят ишини юритишга масъул давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан процесс иштирокчиси ҳуқуқларининг ғайриқонуний чекланиши, шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилмаслик ва бошқа қонун талабларидан келиб чиқувчи мажбуриятларни бажармаслиги каби ҳолатларга барҳам бериш истиқболларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш масалалари бўйича суд-ҳуқуқ ислоҳотлари изчил ва тизимли равишда амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, фуқароларнинг одил судловга тўсқинликсиз эришиши»¹ каби вазифалар назарда тутилган. Бу эса жиноят-процессуал мажбуриятлар ва уларни бажармаганлик учун жавобгарлик институти янада ривожлантиришни тақозо этади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ – 4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., – № 6., 70-м.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (1994), Жиноят-процессуал кодекси (1994), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги ПФ-4850-сон «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 30 ноябрдаги ПФ-5268-сон «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорини амалга оширишда ҳамда суд-тергов соҳасига оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлашга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Жиноят-процессуал мажбуриятлар ва уларни бажармаганлик учун жавобгарлик институти самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан American University of Armenia (Армения), Harvard University (АҚШ), Miskolc University (Германия), Россия ИИВ Москва университети, Волгоград академияси, Москва давлат юридик академияси, Саратов давлат юридик академияси (Россия), Тошкент давлат юридик университети ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси (Ўзбекистон) олимлари томонидан амалга оширилмоқда.

Жаҳонда жиноят-процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик институти такомиллаштириш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижаларга эришилган: жиноят-процессуал муносабатларда иштирокчиларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларининг аҳамияти ва зарурати асосланган (American University of Armenia); жиноят-процессуал мажбуриятларни бажармаган жиноят процесси иштирокчиларига нисбатан мажбуриятлар ва юридик жавобгарлик чоралари қўлланилиши зарурати асосланган (Harvard University, Miskolc University); жиноят-процессуал муносабатларда процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлар жиноят процесси иштирокчиларининг

²Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи: <http://aua.am>, www.harvard.edu, www.uni-miskolc.hu/en, <https://мосу.мвд.рф>, <http://akadmvd.uz>, sgya.pф, mail.va-mvd.ru ва бошқа манбалардан олинган.

ҳуқуқий мақоми ва уларнинг ишдаги иштирокини белгилаб бериши асослангандир (Россия ИИВ Москва университети); жиноят-процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун келиб чиқадиган юридик жавобгарлик турлари таснифланган ва уларнинг ўзига хослиги очиқ берилган (Волгоград академияси, Москва давлат юридик академияси, Саратов давлат юридик академияси); жиноят-процессуал муносабатларда процессуал мажбурлов чораларининг юридик табиати, таъсири, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклашдаги ўрни асосланган (Тошкент давлат юридик университети); жиноят-процессуал мажбуриятларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши учун жабрланувчи, гувоҳ ва жиноят процессининг бошқа иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш лозимлиги асосланган (Ички ишлар вазирлиги Академияси).

Дунёда жиноят-процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик институтини такомиллаштириш бўйича, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: жиноят-процессуал муносабатларда процессуал ҳуқуқларни кенгайтириш; жиноят процесси иштирокчилари томонидан жиноят-процессуал мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажаришларига эришиш билан боғлиқ ҳуқуқий механизмни такомиллаштириш; жиноят-процессуал мажбуриятларни бажаришлари учун жиноят процесси иштирокчиларига қулайликлар яратиш ва рағбатлантирувчи нормаларни кенгайтириш; жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимиз олимлари Ғ.А.Абдумажидов, Ғ.М.Абдусаломов, У.А.Абдурахмонов, Б.Т.Акрамходжаев, З.Х.Гулямов, З.Ф.Иноғомжонова, О.Р.Караходжаева, Д.М.Миразов, Б.Б.Муродов, А.Х.Раҳмонқулов, М.А.Раджабова, А.И.Тошпўлатов, Г.З.Тўлаганова, А.Ш.Умархонов ва бошқаларнинг илмий ишларида жиноят процессида процессуал мажбуриятлар ва уларни бажармаганлик учун жавобгарликка оид умумий масалалар тадқиқ этилган.

Жумладан, Ғ.А.Абдумажидов, У.А.Абдурахмонов, Б.Т.Акрамходжаев, Ғ.М.Абдусаломов, З.Х.Гулямов ва А.Ш.Умархоновлар жиноят ишини юритиш учун масъул бўлган мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги масалалари ҳамда жиноят процессида улар томонидан шахс ҳуқуқларининг таъминланиши, З.Ф.Иноғомжонова, Г.З.Тўлаганова ва А.И.Тошпўлатовлар процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун қўлланиладиган процессуал мажбурлов чоралари ва жавобгарликнинг моҳиятини жиноят-процессуал ҳуқуқи назарияси нуқтаи назардан таҳлил қилишган бўлса, О.Р.Караходжаева фуқароларнинг конституциявий мажбуриятлари асосларини, А.Х.Раҳмонқулов юридик жавобгарлик, М.А.Раджабова жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масалаларига бағишланган тадқиқотларни амалга оширган. Лекин мазкур олимлар жиноят-процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарликка оид муаммоларни умумий жиҳатдан, фақат ҳуқуқ назарияси ёки жиноят-процессуал ҳуқуқ нуқтаи назаридан қисман таҳлил қилганлар.

Хорижий мамлакатларда жиноят процессида процессуал мажбуриятлар

ва уларни бажармаганлик учун жавобгарлик муаммоларининг айрим жиҳатларини Г.Н.Ветрова, В.Н.Корнуков, Ф.М.Кудин, Л.Н.Лобойко, И.Л.Петрухин, А.Н.Столмаков, М.А.Семко, А.Д.Тихомиров, П.С.Элькин, Р. Габриэлэ, В.Н.Махов, М.А. Пешков тадқиқ этган. Хусусан, улар жиноят-процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг аҳамияти, жиноят-процессуал мажбуриятлар ҳамда уларни бажармаганлик учун жавобгарлик масалалари ёки жиноят ишини юритиш учун масъул мансабдор шахсларни процессуал мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликка тортиш масалаларини ўз давлатларининг жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари асосида таҳлил қилганлар. С.Н.Братус, Б.Т.Базилев, Н.А.Духно, В.И.Ивакин, В.Н.Кудрявцев, Л.М.Ковалёв, Д.Сичевлар ҳуқуқ назариясида юридик жавобгарлик юзасидан тадқиқотларни амалга ошириб, жиноят-процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарликка оид муаммоларни ҳам умумий жиҳатдан ўрганиб чиққанлар³.

Мухтасар айтганда, жиноят-процессуал мажбуриятлар ва уларни бажармаганлик учун жавобгарлик масалалари комплекс тарзда тадқиқ этилмагани мазкур тадқиқотни амалга оширишга ундади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг «Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигини либераллаштириш ҳамда жиноят-процессуал қонунчиликда янгиликларни амалиётга жорий этиш масалалари» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари доирасида амалга оширилган (2015-2018).

Тадқиқотнинг мақсади жиноят-процессуал мажбуриятлар ва уларни бажармаганлик учун жавобгарлик институтини такомиллаштиришдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жиноят-процессуал мажбуриятлар ва уларни бажармаганлик учун жавобгарликка доир нормалар ривожланишининг тарихий-ҳуқуқий жиҳатларини ўрганиш;

мазкур институтнинг моҳиятини очиб бериш;

жиноят-процессуал мажбуриятлар ва уларни бажармаганлик учун жавобгарликнинг ҳуқуқий тартибга солинишини таснифлаш;

жиноят-процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган процесс иштирокчилари доирасига аниқлик киритиш;

жиноят-процессуал мажбуриятлар ва уларни бажармаганлик учун жавобгарликка оид суд-тергов амалиётини жиноят ишларини таҳлил қилган ҳолда ўрганиш ҳамда мавжуд муаммоларни аниқлаш учун ижтимоий сўровлар ўтказиш;

³Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

суд-тергов амалиётида жиноят-процессуал мажбуриятларнинг бажарилмаслигига сабаб бўлаётган омилларни бартараф этиш бўйича асослантирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

хорижий давлатларнинг жиноят-процессуал мажбуриятлар ва уларни бажармаганлик учун жавобгарликка тортишни тартибга солувчи жиноят-процессуал қонун ҳужжатларидаги нормаларни қиёсий таҳлил этиш асосида улардаги ютуқларни миллий қонунчилигимизда инобатга олиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

жиноят-процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарликни ҳуқуқий тартибга солишнинг жиноят-процессуал қонун ҳужжатларидаги ҳолати, мазкур ҳуқуқий механизмни янада такомиллаштириш юзасидан асослантирилган ҳулоса ва тавсиялар ҳамда амалда қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини жиноят-процессуал мажбуриятлар ва уларни бажармаганлик учун жавобгарлик билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар тизими ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети жиноят-процессуал мажбуриятлар ва уларни бажармаганлик билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳуқуқий ҳужжатлар, уларни қўллаш амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар ва илмий-назарий қарашлардан иборатдир.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот давомида тизимли-тузилмавий, формал-мантиқий, статистик, аниқ-социологик, илмий манбаларни комплекс ўрганиш, идоравий-норматив ҳужжатлар, статистик ҳисоботларни ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиш, ижтимоий (социологик) сўровлар ўтказиш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жиноят процесси иштирокчилари томонидан ўзларига юклатилган мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишига эришиш мақсадида уларнинг хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ алоҳида қонун қабул қилиш зарурлиги асослантирилган;

жиноят-процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун қўлланиши мумкин бўлган жиноят-процессуал қонун ҳужжатларидаги ҳуқуқий чоралар турларини белгилаш ва уларни қўллашнинг ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш билан боғлиқ қонун ҳужжатларидаги бўшлиқни тўлдириш зарурлиги исботланган;

жиноят процесси иштирокчилари томонидан процессуал мажбуриятларнинг самарали бажарилишига тўсқинлик қилувчи омилларни бартараф қилишда уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, масъулиятини ошириш ва жавобгарликни кучайтиришнинг зарурати ҳамда аҳамияти асослантирилган;

жиноят-процессуал мажбуриятларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш учун суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судьяларда жиноят процесси иштирокчилари билан психологик мулоқот ўрнатиш, тегишли тактик усулларни танлаш ва уларни самарали қўллашга

доир кўникмаларни ошириб бориш лозимлиги асослантирилган;

жиноят-процессуал мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ бажаришга ундайдиган рағбатлантирувчи нормаларни, хусусий айблов институтини қўлланиш доирасини янада кенгайтириш зарурати асослантирилган;

жиноят-процессуал мажбуриятларнинг тўлиқ, ўз вақтида ва ортиқча қийинчиликларсиз бажарилишини таъминлаш ҳамда жиноят ишини юритишда процесс иштирокчиларига қулайлик яратиш мақсадида айрим тергов ва бошқа процессуал ҳаракатларни масофадан туриб электрон тартибда ўтказиш зарурлиги асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Жиноят-процессуал қонун нормаларини такомиллаштириш юзасидан билдирилган таклиф ва тавсиялар жиноят-процессуал мажбуриятлар ва уларни бажармаганлик учун жавобгарлик ёки жазо чораларининг аниқ рўйхатини белгилашга ва жавобгарликка тортиш тартибини такомиллаштиришга хизмат қилиши асослантирилган.

Жиноят-процессуал мажбуриятлар ва уларни бажармаганлик учун жавобгарликка тортиш тартибининг Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида (бундан кейин матнда ЖПК деб юритилади) тўлиқ акс этиши жиноят иши юзасидан одил судловнинг самарали кечишига, иш юзасидан ҳақиқат қарор топишига замин яратиши асослантирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқда умумэтироф этилган стандарт ва қоидалар, миллий қонун ҳужжатлари нормалари, айрим ривожланган давлатларнинг қонунчилик тажрибаси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, жиноят-процессуал ҳуқуқ назарияси ютуқлари, суд-тергов амалиётига оид ҳисоботлардаги маълумотлар ва бошқа ишончли манбалар, илмий далиллар асосида исботланган. Суд-тергов амалиётининг 120 нафар мутахассислари (суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судья) ва 50 нафар олимларнинг мавзуга оид фикр-мулоҳазалари ижтимоий сўров ўтказиш орқали таҳлил қилинган, судларда кўрилган 200 та жиноят ишлари ўрганилиб, умумлаштирилган, бу ҳақда тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилган. Илмий-назарий хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижаларига оид мақолалар миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Тадқиқот натижалари ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялар келгусида мазкур мавзуда илмий тадқиқотлар амалга оширишга, қонун ижодкорлигига, ҳуқуқни қўллаш амалиётига, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларидаги мавзуга алоқадор нормаларни шарҳлашга, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларидаги нормаларни такомиллаштириш ҳамда «жиноят-процессуал ҳуқуқ», «дастлабки тергов» «криминалистика», «тезкор-қидирув ҳуқуқи» фанларини илмий-назарий жиҳатдан бойитишга хизмат қилади. Диссертация натижаларидан янги илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган амалий таклиф ва тавсияларнинг

аҳамияти улардан қонун ижодкорлигида, судга қадар ва суд жараёнида жиноят-процессуал мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашда, юридик таълим муассасаларининг ўқув жараёнида фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жиноят-процессуал мажбуриятлар ва уларни бажармаганлик учун жавобгарликнинг назарий, ҳуқуқий ва амалий жиҳатлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

жиноят процесси иштирокчилари томонидан ўзларига юклатилган мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишига эришиш мақсадида уларнинг хавфсизлигини таъминлашни янада такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 январдаги ЎРҚ-315-сон «Жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг 2018 йил 28 декабрдаги 06-16/998-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда улар томонидан процессуал мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишига хизмат қилган;

жиноят-процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун қўлланиши мумкин бўлган жиноят ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатларидаги ҳуқуқий чораларни такомиллаштиришда почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш масаласини суд орқали ҳал қилишга оид таклифлар Жиноят-процессуал кодекси 271-моддаси (Процессуал мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик) нормасини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг 2018 йил 4 июндаги 06/2-06-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтиришга хизмат қилган;

жиноят процесси иштирокчилари томонидан жиноят-процессуал мажбуриятларни самарали бажарилишига тўсқинлик қилувчи омилларни бартараф этишга доир ишлаб чиқилган таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 январдаги ЎРҚ-315-сон «Жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 1, 3, 4-моддаларини (Қонуннинг мақсади ва асосий вазибалари, ҳимояланувчи шахсларнинг асосий ҳимоя қилиш принциплари, ҳимояланувчи шахслар) шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг 2018 йил 28 декабрдаги 06-16/998-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф процесс иштирокчиларининг ҳуқуқий маданиятини янада оширилишига хизмат қилган;

жиноят процесси иштирокчилари томонидан жиноят-процессуал мажбуриятларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш мақсадида суриштирувчи, терговчи, прокурор, судьяларда жиноят процесси иштирокчилари билан психологик мулоқот ўрнатиш ва бошқа жиноят-

процессуал ҳаракатларнинг самарали амалга оширилишига хизмат қилувчи кўникмаларни ҳосил қилиш ҳамда жиноят-процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарликка тортиш тартибини такомиллаштиришга доир таклифлардан амалиётда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов департаментининг 2018 йил 1 декабрдаги 18/6244-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф тергов органларига жиноят процесси иштирокчилари томонидан жиноят-процессуал мажбуриятларни бажармаслик ҳолатларини аниқлаш, уларни исботлаш ҳамда тегишли жавобгарликка тортиш тартиби билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш, жиноят процесси иштирокчилари билан самарали психологик мулоқот ўрнатишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 2 та халқаро, 6 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Жиноят-процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарликка тортиш тартибини такомиллаштиришга қаратилган хулоса, таклиф ва тавсиялар диссертант томонидан Андижон, Фарғона, Наманган, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2014 йил 20 мартдаги 47-сон фармойиши) ички ишлар бошқармаларининг ходимлари билан ўтказилган сайёр ўқув машғулотларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш, жумладан, 2 та монография, 1 та ўқув қўлланма, 14 та мақола (1 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 232 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзуининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертация мавзуи бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзуининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Жиноят-процессуал мажбуриятлар ва уларни бажармаганлик учун жавобгарликнинг илмий-назарий ва ҳуқуқий тавсифи**» деб номланиб ўз ичига тўрт параграфни олган. Мазкур

бобда муаллиф жиноят-процессуал мажбуриятларнинг моҳияти ва такомиллашувининг тарихий-ҳуқуқий жиҳатларини, жиноят-процессуал мажбуриятларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши ва таснифланишини, процессуал мажбуриятларнинг процессуал мажбурлов институти билан боғлиқлиги, ўзаро уйғунлиги ва фарқли жиҳатларини, процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарликнинг тушунчаси ва турларини чуқур таҳлил қилган. Мазкур мавзуга оид олимларнинг баҳсли фикр-мулоҳазалари юзасидан муаллифнинг эътирозлари баён этилган.

Биринчи бобнинг биринчи параграфи «*Жиноят-процессуал мажбуриятларнинг моҳияти, аҳамияти ва ривожланишининг тарихий-ҳуқуқий жиҳатлари*» деб номланиб, унда муаллифнинг фикрига кўра, жиноят-процессуал ҳуқуқий муносабатларга киришган процесс иштирокчилари қонунда белгиланган ҳуқуқларидан фойдаланиши баробарида процесс иштирокчиси (гувоҳ, жабрланувчи, қонуний вакил ёки вакил, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва бошқалар) процессуал мажбуриятларини бажаришлари шарт, деган фикр баён қилинган.

Ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ҳуқуқий муносабатларда муҳим аҳамият касб этишига доир юридик фанда мавжуд фикрларни таҳлил қилиб, муаллиф томонидан ҳуқуқий муносабатга киришаётган ҳар бир иштирокчи қонунда белгиланган тартибда, муайян ҳуқуқларга эга бўлади ва ундан келиб чиқувчи мажбуриятларга риоя қилиш шарт экани қайд этилган. Шу билан бирга, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида айрим процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини белгиламасдан, уларнинг зиммасига мажбуриятлар юклатилгани ҳамда уларни бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилиши мумкинлигини акс этгани мантиқан тўғри эмаслиги, шу боис ЖПКда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланишига оид янги норма ўрин олиши ҳақида таклиф билдирилган.

Тадқиқотчи Собиқ иттифоқнинг 1922, 1923 йилларда ва Ўзбекистоннинг 1926, 1929, 1959 йилларда қабул қилинган жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини қисман таҳлил қилган ҳолда, ўтмиш қонун ҳужжатларида ҳам процесс иштирокчиларининг барчасининг, айниқса жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслардан айримларининг ҳуқуқий мақоми белгилаб берилмагани, шу сабабли амалдаги ЖПКда ҳам уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига бағишланган аниқ нормалар мавжуд эмаслигини аниқлаган. Шу билан бирга айрим процесс иштирокчиларининг ҳуқуқи ёки мажбуриятлари ЖПКдаги алоҳида нормаларда тарқоқ ҳолда ифодаланганлиги, масалан Собиқ иттифоқнинг 1922 йилги ЖПКда жабрланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари 14, 22, 216-моддаларда, айбланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари эса 147, 159-моддаларида белгиланганлиги, бундан ташқари ушбу жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида эҳтиёт чораси сифатида шахсий ва жамоа кафиллигига олувчи шахсларнинг мажбурияти белгиланиб, ҳуқуқи белгиланмаганлиги, гумон қилинувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, вакил ва қонуний вакиллар процессуал муносабатлар субъекти сифатида мавжуд бўлсада, уларнинг суриштирув ва дастлабки терговдаги ҳуқуқи ва мажбуриятлари

умуман белгиланмаганлиги таҳлил қилинган.

Шунингдек, ушбу кодексларда процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик институти ҳам қисман мавжуд бўлган. Масалан гувоҳ ёлғон кўрсатув берганлик ёки кўрсатув беришдан бош тортганлик учун, эксперт нотўғри хулоса берганлик учун, шахсий кафилликка олувчи мажбуриятни бажармаганлик учун суд томонидан белгиланган жазога (жиноий, жарима) тортилган.

Диссертантнинг фикрича, ўша даврда процесс иштирокчиларининг ҳуқуқий мақоми аниқ белгиланмаганлиги ёхуд фақат қисман белгиланганлиги шахс манфаатларига жиддий эътибор қаратилмаганлиги ва давлат манфаатлари шахс манфаатларидан устун қўйилганидан далолат беради.

Амалдаги ЖПКда процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари алоҳида бўлим ва бобларда тартибга солинганлиги билан ажралиб туради. Лекин амалдаги ЖПКда ҳам процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тартибга солишда бир қатор камчиликларга йўл қўйилгани кўзга ташланади. Жумладан, «Процессуал мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик» деб номланган 271-моддада судга қадар ва суд муҳокамаси вақтида қуйидаги шахсларга, яъни уйда олиб қўйиш ва тинтув ўтказилаётган шахслар, мол-мулки хатланган шахслар, алоқа муассасасининг ходимлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар (тергов ҳаракатларини ўтказилишига тўсқинлик қилиш ҳолатлари бўйича), корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарларига (процесс иштирокчиларини дастлабки терговда қатнашишига тўсқинлик қилиш ҳолатлари бўйича) нисбатан процессуал мажбуриятлар юклатилганига қарамадан, уларнинг ҳуқуқи қонун ҳужжатларда аксини топмаган.

Шунингдек, амалдаги ЖПКга процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик илк маротаба тартибга солинган «Процессуал мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик» деб номланган 271-модда киритилган бўлсада, ушбу моддада процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик масаласи ҳам тўлиқ ҳал этилмаган. Бунда процесс иштирокчилари судга қадар ва суд муҳокамасида процессуал мажбуриятларни бажармаганликлари учун Жиноят кодексининг 230-241-моддаларига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилади деб белгиланиши барча процесс иштирокчиларининг процессуал мажбуриятларни бажармаганликлари учун жавобгарлигини тўлиқ қамраб ололмайди. Мазкур норманинг кейинги қисмларида эса процесс иштирокчилари процессуал мажбуриятларни бажармаганликлари учун «қонунда белгиланган жавобгарликка тортилади» деган умумий қоида акс этган бўлсада, улар юридик жавобгарликнинг қайси тури (интизомий, фуқаровий-ҳуқуқий, маъмурий) билан жавобгарликка тортилиши мавҳум бўлиб қолмоқда.

Муаллифнинг фикрича, бугунги кунга қадар процесс иштирокчиларининг ҳуқуқий мақоми, яъни ҳуқуқ ва мажбуриятлар ва уларни бажармаганлик учун жавобгарликка оид нормалар ЖПКда аввалги жиноят-процессуал қонунчиликка нисбатан тўлиқроқ белгиланган бўлсада, ҳалигача

тўлиқ ва аниқ ифодаланмаган.

Биринчи бобнинг иккинчи параграфи «*Жиноят-процессуал мажбуриятларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши ва таснифланиши*»га бағишланган бўлиб, диссертант процессуал мажбуриятларга процесс иштирокчиларининг ҳуқуқий мақомининг таркибий қисми эканлигидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш лозим, деган фикрни илгари суради. Зеро, ЖПКда (бўлим ва боблар) нормалар моҳиятидан келиб чиқиб ҳар бир процесс иштирокчиларининг мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилгани эътиборга моликдир.

Муаллиф ЖПКда процесс иштирокчиларининг зиммасига юклатилган мажбуриятларга оид нормаларни таҳлил қилган ҳолда уларни хусусиятига кўра қуйидагича таснифлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди:

жиноий жавобгарликни келтириб чиқарувчи мажбуриятлар;
маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарувчи мажбуриятлар;
интизомий жавобгарликни келтириб чиқарувчи мажбуриятлар;
фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликни келтириб чиқарувчи мажбуриятлар;
жиноят-процессуал мажбуриятлар хусусиятидаги чоралар ва ҳаракатларни қўллашга сабаб бўлувчи мажбуриятлар.

Диссертант амалдаги ЖПК ва бошқа қонун ҳужжатларидаги процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик белгиланганлиги даражасига кўра мажбуриятларни қуйидагича таснифлаган:

жавобгарлик аниқ белгиланган;
жавобгарлик ноаниқ белгиланган;
жавобгарлик умуман белгиланмаган.

Муаллиф процессуал мажбуриятларни субъектларига кўра ҳам таснифлаган ва жиноят процессида процессуал мажбуриятлар бажарилмаслик ҳолатини аниқловчи, исботловчи ва тегишли таъсир чорасини қўлловчи субъектларга суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судьяларни киритган.

ЖПКдаги нормалар таҳлили жиноят процессида иштирок этувчи процесс иштирокчилари тўрт гуруҳга бўлиб таснифланганлигини кўрсатади. Ушбу тасниф, дейди муаллиф, жиноят процессида иштирок этадиган барча иштирокчиларни тўла қамраб олади, деб хулоса қилишга асос бўлмайди. Чунки, амалдаги ЖПКда процесс иштирокчилари қаторига киритилмаган, суриштирув ёки дастлабки терговда иштирок этсада, процессуал ҳуқуқларга эга бўлмаган шахслар ҳам мавжуд. Аммо улар процессуал мажбуриятларни бажармаганликлари учун қонунда белгиланган жавобгарликка тортилиши кўрсатилган (ЖПКнинг 251, 252, 253, 254, 271- моддалари).

Диссертантнинг фикрича ушбу шахсларни жиноят процесси иштирокчилари гуруҳига киритиш ва ЖПКда уларнинг ҳам процессуал ҳуқуқларини белгиланган ҳолда зиммасига процессуал мажбуриятлар юклатилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки, процесс иштирокчилари зиммасига мажбуриятларни юклаш аввало уларнинг ҳуқуқлари белгиланган бўлишини талаб этади. Акс ҳолда жиноят ишида қатнашувчи бундай шахсларнинг ҳуқуқлари поймол этилган деган фикр билдиришга асос бўлади.

Биринчи бобнинг учинчи параграфи «*Жиноят-процессуал мажбуриятлар ва процессуал мажбурлов чораларининг ўзаро боғлиқлиги*» деб номланган бўлиб, унда муаллиф жиноят-процессуал мажбуриятларнинг процессуал мажбурлов билан бевосита боғлиқлигини қуйидаги фикр-мулоҳазалар билан асослайди. Яъни, гумон қилинувчи, айбланувчи суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши, агар улар судга қадар дастлабки тергов ва суд муҳокамасида иштирок этишдан бош тортмаслик мажбуриятини бажармаганда мажбурий келтириш; ҳақиқатни аниқлашга, далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслик мажбуриятини бажармаганида эса ушлаб туриш ёки қамоққа олиш ёхуд уй қамоғида сақлаш каби эҳтиёт чораси, лавозимдан четлаштириш каби процессуал мажбурлов чоралари қўлланилиши мумкин, бундан ташқари айбланувчи ўзига нисбатан танланган эҳтиёт чорасидан келиб чиқадиган мажбуриятни бажармаганида эса унга нисбатан оғирроқ турдаги эҳтиёт чораси қўлланилади. Мисол учун гаров ёки уй қамоғи каби эҳтиёт чоралари қамоққа олиш эҳтиёт чорасига алмаштирилиши мумкин. Процессуал мажбурлов чораси ҳисобланмаган, лекин процессуал мажбурлов хусусиятга эга бўлган процессуал ҳолатлар ҳам учрайди. Масалан гувоҳлантириш, эксперт текшируви учун намуналар олиш, экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштириш ҳақидаги суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарорлари ва суднинг ажримлари ижросига тўсқинлик қилиш, процессуал мажбуриятни бажармаганлик деб баҳоланади. Шунингдек олиб қўйиш ва тинтув ўтказиш каби тергов ҳаракатларини амалга оширишга ҳам қаршилик қилиш мажбуриятини бажармаганлик деб баҳоланиб, ЖПКнинг 145, 157, 158, 159, 180, 192-моддалари талабига мувофиқ мажбурий тарзда ижроси таъминланади.

Жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи (қамоққа олишдан бошқа эҳтиёт чораларидан бири қўлланилган бўлса) суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиш каби процессуал мажбуриятни бажармаганида эса уларга нисбатан мажбурий келтириш билан боғлиқ процессуал мажбурлов чораси қўлланилади.

Бундан ташқари жиноят процесси иштирокчилари гуруҳига киритилмаган, лекин эҳтиёт чораси талабларидан келиб чиқиб мажбурият юкланган шахслар ҳам мавжуд. Буларга: шахсий кафилликка олувчи шахс ёки шахслар, вояга етмаганларни кузатув остига олувчи ота-оналар, васийлар, ҳомийлар, болалар муассасасининг маъмурияти киради. Улар айбланувчи, судланувчи муносиб хулқ-атворда бўлишига кафил эканликлари ҳақида мажбуриятни зиммаларига олади (ЖПК 251, 252, 253- моддалари). Улар процессуал мажбуриятларни бажармаганлари учун Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 48, 207, 208-моддалари билан маъмурий жавобгарликка тортилади.

Процесс иштирокчилари томонидан мажбуриятларни бажармаслик ёки мажбуриятларни етарлича бажарилмаганлигига асослар мавжуд бўлган тақдирдагина суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья қонунда

белгиланган тегишинча мажбуриятларни мажбурий бажартириш чораларини кўради. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья мажбурлов чорасини асоссиз қўллаши, процесс иштирокчисининг ҳуқуқлари бузилишига, айрим ҳолларда зарар етишига сабаб бўлади. Бундай ҳолларда мансабдор шахсининг ғайриқонуний ҳаракатининг оқибатига қараб юридик жавобгарликнинг бирон бир тури (интизомий, фуқаролик, маъмурий ёки жиноий) қўлланилишига сабаб бўлади. Шунинг учун жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахслар томонидан процесс иштирокчиларига нисбатан қонун ҳужжатларидаги асослар ва тартибларга қатъий риоя қилган ҳолда процессуал мажбурлов чораси қўлланилиши шарт.

Биринчи бобнинг тўртинчи параграфи «*Жиноят-процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик ва унинг турлари*» деб номланган. Муаллифнинг таъкидлашига қараганда, жиноят процесси иштирокчилари томонидан ЖПКда белгиланган мажбуриятлар тўлиқ ва аниқ бажарилмаслиги жиноят-процессуал қонун нормаси бузилишига, яъни қоидабузарликка олиб келади. Лекин айрим процессуалчи олимлар томонидан жиноят-процессуал қонун нормасининг бузилиши процессуал ҳуқуқбузарликни келтириб чиқаради, деган фикрлар билдирилган.

Муаллиф мазкур фикрларга қўшилмаслигини қўйидагича изоҳлайди. Чунки, дейди муаллиф, ҳуқуқбузарлик фақат моддий ҳуқуққа тегишли бўлган тушунча ҳисобланади. Жиноят процессида процессуал ҳуқуқбузарлик деб ҳисоблаш учун ҳуқуқбузарликнинг белгилари ва процессуал ҳуқуқнинг мустақил жавобгарлиги бўлиши талаб этилади. Лекин процессуал ҳуқуқда ҳуқуқбузарлик белгилари ва ўзининг мустақил жавобгарлиги мавжуд эмас. Қоидабузарлик эса процессуал тартибга, қоидага, қонунга риоя этмаганлик натижасида келиб чиқади, шунинг учун қоидабузарлик процессуал ҳуқуққа нисбатан қўлланиладиган тушунча ҳисобланади. Шунини алоҳида қайд этиш ўринлики, процессуал қоидабузарлик натижасида моддий ҳуқуқда белгиланган жавобгарлик ҳам келиб чиқиши мумкин (масалан таржимон нотўғри таржима қилганлиги учун жиноий жавобгарлик). Шу билан бирга ЖПКнинг 11, 272, 487-моддаларида ҳам қонун чиқарувчи процессуал ҳуқуқбузарлик эмас, балки тартиббузарлик, қоидабузарлик, қонун бузилиши атамаларини ишлатганлигини кўриш мумкин.

Жиноят процессининг ҳар қандай босқичида у ёки бу жиноят-процессуал қонун нормаларига риоя қилмаслик, талабларини бажармаслик унинг бутун тартибини издан чиқаради, унинг йўналишини ўзгартиради ёки жараён кечишини кечиктиради ёки умуман тўхтатиб қўяди, ҳуқуқни қўллашда ижобий натижаларга эришилишига тўсқинлик қилади. Айнан шунинг учун ҳам процессуал мажбуриятларни бажармаган процесс иштирокчисига нисбатан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тегишли процессуал таъсир чораларини қўллашга тўғри келади.

Жиноят-процессуал жавобгарлик тўғрисидаги масала юридик адабиётларда олимлар ўртасида баҳс-мунозарага сабаб бўлганлигини эътироф этган ҳолда, диссертант жиноят-процессуал ҳуқуқда процессуал жавобгарликнинг мавжуд бўлиши нотўғри, чунки жавобгарлик фақат моддий

ҳуқуққа тегишли бўлиши лозим дейди. Процессуал ҳуқуқ турли низолар, келишмовчиликларни ҳал этиш, жиноят ва бошқа ҳуқуқбузарликларга оид ишларни судга қадар юритиш ва судда кўрилишини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солади, моддий қонун ҳужжатлари асосида ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликка тортиш, (ёки) жазо тайинлаш тартибини белгилайди ва улардан келиб чиққан ҳолда жиноят иши мазмунан ҳал этилишига хизмат қилади.

Жиноят процессида процессуал мажбуриятларини бажармаган процесс иштирокчиларига нисбатан тегишли таъсир чораларини қўллашдан мақсад – иш юритув тартибининг нормал кечишини таъминлашдан ва жараён иштирокчиларида амалдаги қонун талабларига ҳурмат ва уларга риоя қилиш ҳиссини шакллантиришдан иборатдир.

Муаллиф процессуал ҳуқуққа оид атамаларнинг қуйидаги муаллифлик таърифларини таклиф этади:

Процессуал мажбурият – жиноят-процессуал муносабатларда ишни мазмунан ҳал этиш жараёнида бажарилиши қатъий талаб этиладиган нормалар йиғиндиси.

Процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик – иш юритиш жараёнида процесс иштирокчиларининг ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларини бажармаслиги оқибатида келиб чиқадиган моддий (жиноий, маъмурий, интизомий, фуқаровий) жавобгарлик ҳамда процессуал мажбурлов чоралари.

Процессуал интизом – жиноят процесси иштирокчиларининг ЖПКда белгиланган ҳуқуқларидан фойдаланиши, мажбуриятларни бажариши ва иш юритувга оид тартиб-қоидаларга қатъий риоя этишини таъминлаш механизми.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Жиноят-процессуал мажбуриятларнинг процесс иштирокчилари томонидан амалга оширилиши»** деб номланиб, мазкур бобда муаллиф жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар ҳамда бошқа процесс иштирокчиларининг процессуал мажбуриятларни бажармаганликлари учун жавобгарликка тортилиши амалиёти таҳлил қилинган.

Иккинчи бобнинг биринчи параграфи *«Жиноят ишини юритиш учун масъул мансабдор шахслар томонидан процессуал мажбуриятларнинг бажарилиши ҳолати»* деб номланиб, мазкур параграфда амалдаги ЖПКнинг 271-моддаси (Процессуал мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик) биринчи қисмида жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ўз мажбуриятларини бажармаганликлари учун қонунда белгиланган жавобгарликка тортилиши таҳлил қилинган. Унда суриштирувчи, терговчи ва прокурор жиноят ишини юритиш чоғида одил судловга қарши қаратилган жиноятни содир этсалар Жиноят кодексининг 230, 234, 235-моддаларига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилишлари белгиланган.

Шу билан бирга, суриштирувчи, терговчи ва прокурорлар ўз хизмат

мажбуриятларини бажармаганликлари учун «Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг ходимларини рағбатлантириш ва уларнинг интизомий жавобгарлиги тўғрисидаги низом», «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти тўғрисидаги низом», «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросида хизматни ўташ тўғрисидаги низом», «Ички ишлар органларида хизмат ўташ тартиби тўғрисидаги низом», «Ички ишлар органларида интизом устави тўғрисидаги низом», «Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг интизомий устави» ва «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ички хизмат низом»ларида белгиланган тарзда интизомий жавобгарликка тортилади.

Шу ўринда, ушбу низомларда белгиланган интизомий жазо чоралари суриштирувчи, терговчи ва прокурорни процессуал мажбуриятларни бажармаганликлари учун жавобгарликка тортиш учун ҳуқуқий асос бўла оладими? деган савол туғилади.

Муаллифнинг фикрича, буни аниқлаштириш учун энг аввало хизмат мажбурияти билан процессуал мажбуриятларни фарқлаб олиш талаб этилади. Мантқан ёндашиладиган бўлса, хизмат мажбурияти хизмат олиб бораётган жойда ўрнатилган тартиб-таомилларга, яъни интизомга риоя этиш, ички буйруқ ва йўриқнома талабларига бўйсунитиш, бажаришни талаб этади. Процессуал мажбуриятлар эса ЖПКдаги тегишли нормалардаги қоидалар талабларини сўзсиз ва қатъий бажариш ёки уларга бўйсунитиш тақозо этади. Низомлар суриштирувчи, терговчи ва прокурорни процессуал мажбуриятларни бажармаганликлари учун интизомий жавобгарликка тортиш учун ҳуқуқий асос бўлади деган масалани таҳлил қилган ҳолда муаллиф ички буйруқ ва йўриқномаларда (лоақал ҳужжатда) барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари мавжуд амалдаги барча қонун ҳужжатлари талабларини таъминлашга масъуллиги, яъни бўйсунитиш мажбурийлиги белгилаб қўйилгани сабаб суриштирувчи, терговчи ва прокурорларни процессуал мажбуриятларни бажармаганликлари учун интизомий жавобгарликка тортиш учун низомлардаги ҳуқуқий қоидалар, тартиб-таомиллар ҳам асос бўла олади деган фикрни илгари сурган.

Тадқиқотчи судга қадар иш юритиш билан боғлиқ амалиётни таҳлил қилиб, жиноят ишини юритиш учун масъул бўлган давлат органларининг мансабдор шахслари томонидан ЖПКда белгиланган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари ва омиллари чуқур таҳлил қилинган ҳолда уларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфи «*Жиноят ишини юритишда ҳимоя тарафнинг процессуал мажбуриятларини бажариши*» деб номланиб, унда муаллиф таъкидлашича ЖПК 271-моддасининг 2-қисми 1-бандида жабрланувчилар ва гувоҳлар суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки суднинг гувоҳлантиришдан, экспертизадан ўтиш, эксперт текшируви учун намуналар тақдим этиш тўғрисидаги қонуний талабларини бажаришдан бош тортганлик учун жавобгарликка тортилиши белгиланган бўлсада, уларнинг айнан қандай турдаги жавобгарликка тортилиши ва унинг

тартиби кўрсатилмаган.

Бундан ташқари мазкур норманинг 2-қисми 2-бандида уйида олиб кўйиш, тинтув ўтказилаётган шахслар, шунингдек мол мулки хатланган шахслар (гумон қилинувчи, айбланувчи ва уларнинг яқин қариндошларидан ташқари)-суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг талаби билан изланаётган ашёларни беришдан бош тортганлиги сабабли жавобгарликка тортилиши таъкидланган бўлсада, уларни жавобгарликка тортилишнинг ҳуқуқий механизми қонун ҳужжатларида мавжуд эмас.

Ёинки ЖПК 271-моддасининг 2-қисми 3-бандида суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш тўғрисидаги қарорини бажармаганлик учун ёки етарли даражада бажармаганлик учун алоқа муассасаларининг ходимлари жавобгарликка тортилиши таъкидланган бўлса ҳам, уларнинг айнан қандай турдаги юридик жавобгарликка тортилиши ва унинг тартиби қонунларда белгиланмаган. Таажжубланарли жиҳати шундаки, Жиноят кодексининг 232-моддасида эса суд қарорини бажармаганлик учун мансабдор шахснинг жиноий жавобгарликка тортилиши белгиланган. Лекин суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг қарорини бажармаганлик учун бундай шахсларнинг жавобгарликка тортилиши Жиноят кодексиди мавжуд эмас.

Алоқа муассасасининг раҳбари суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан чиқарилган почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш тўғрисида қарор ижросини ўз қўл остидаги ходимларига топшириши ёки шахсан ўзи бажариши мумкин, агарда алоқа муассасасининг ходими ушбу қарор ижросини таъминламаса, алоқа муассасасининг раҳбари олдида жавоб беради ва бунинг учун раҳбар ушбу ходимга нисбатан тегишли қонуний чора кўриши мумкин. Аммо, суднинг почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш тўғрисидаги ажримини бажармаганлик учун ёки етарли даражада бажармаганлик учун алоқа муассасасининг раҳбари тўғридан-тўғри жавобгар ҳисобланади. Жиноят кодексининг 232-моддасида ҳам суд қарорини бажармаганлик учун мансабдор шахс жавобгар бўлиши белгилаб кўйилган. Муаллифнинг фикрича, қонун ҳужжатларидаги бўшлиқни тўлдириш мақсадида почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш тўғрисидаги суд ажримининг ижросини бажариш ёки бажариш мажбуриятини таъминлаш алоқа муассасасининг ходимига эмас, балки алоқа муассасасининг раҳбарига юклатилиши мақсадга мувофиқ.

ЖПК 271-моддасининг 2-қисми 4-бандида мансабдор шахслар ва фуқаролар - башарти улар ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришга, эксперимент ўтказишга, мурдани эксгумация қилишга, олиб кўйиш ва тинтув ўтказишга тўсқинлик қилсалар жавобгарликка тортилиши таъкидланган бўлса, юридик жавобгарликнинг тури ва ҳуқуқий механизми қонун ҳужжатларида белгиланмасдан очик қолган.

ЖПК 271-моддасининг 2-қисми 6-бандида корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, гувоҳ, мутахассис, эксперт, таржимон, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий

даъвогар, фукаровий жавобгар, уларнинг вакиллари, жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси, халқ маслаҳатчиларининг келишига тўсқинлик қилганлик, жиноятнинг сабабларига ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларга барҳам бериш тўғрисидаги суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг тақдимномасини ёки суднинг хусусий ажримини бажармаганлик учун ёхуд талаб даражасида бажармаганлик учун қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилишлари мумкинлиги белгиланган. Шунингдек ЖПКнинг 299-моддасида ҳам тақдимнома ёки хусусий ажрим бажарилмаган ёки виждонан бажарилмаган тақдирда корхона, муассаса ёки ташкилотнинг айбдор раҳбари қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилиши кўрсатилган, лекин қандай турдаги юридик жавобгарликка тортилиши кўрсатилмаган. Тадқиқотда мазкур масалаларнинг ҳуқуқий ечимига оид қонун ҳужжатларидаги бўшлиқни тўлдиришга оид таклифлар билдирилган (тадқиқот хулоса қисмида таклифлар берилган).

Тадқиқот ўтказиш жараёнида суд-тергов органлари томонидан юритилган 200 та жиноят ишлари ўрганилиб, уларнинг 13 тасида гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчилар узрсиз сабабларга кўра келмаганида, мажбурий келтириш тўғрисидаги қарор қабул қилинганлиги, 7 тасида айбланувчи эҳтиёт чораси талабларини бузгани учун оғирроқ эҳтиёт чорасига алмаштирилгани ёки бошқа шахслар томонидан эҳтиёт чораси талаблари бузилганда эса қандай чора қўлланилганлиги кўрсатилмаганлиги, 3 тасида гувоҳнинг ёлғон кўрсатуви берганлиги учун жинойий жавобгарликка тортилганлиги аниқланган. Лекин бошқа процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун таъсир чоралари қўлланилганлиги жиноят ишидаги тегишли процессуал ҳужжатларда акс эттирилмаганлиги, улар томонидан бошқа процессуал мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари учрамаганлигидан далолат бермайди.

Терговчилар ўртасида ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига кўра, «Юритувингиздаги жиноят иши юзасидан процесс иштирокчилари томонидан ЖПКда белгиланган мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари учраганми?»-деган саволга респондентларнинг деярли ҳаммаси (100%) «ха» деб; «Айнан қайси процесс иштирокчиси томонидан процессуал мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари учраган?» деган саволга респондентларнинг 50,0%и гувоҳ, 12,5%и жабрланувчи, 37,5%и гумон қилинувчи, айбланувчи, 10,0%и фукаровий даъвогар ва фукаровий жавобгар, 5,0% и қонуний вакил, 12,5%и ҳимоячи, 5,0%и мутахассис, 2,5%и эксперт, 2,5% и таржимон, 15,0%и уйда тинтув ва олиб қўйиш ўтказилаётган шахслар, 7,5%и мансабдор шахслар ва фукаролар, 2,5%и жамоа кафиллигига олганлар, 12,5%и вояга етмаганларни кузатув остига олганлар, 2,5%и ҳарбий хизматчининг хулқ-атвори устидан назоратни амалга оширувчилар томонидан бажарилмаганлигини; «...Айнан қандай процессуал мажбуриятлар бажарилмаган» деган саволга респондентларнинг 47,5%и процесс иштирокчиларининг чақирувга биноан келмаганлигини, 27,5%и жиноят иши бўйича ҳаққоний кўрсатувлар бермаган ёки ёлғон кўрсатувлар

берганлигини, 25,0%и иш учун аҳамиятли бўлган далилларни йўқ қилган, сохталаштирган, гувоҳларни кўндиришга уринганлигини, 10,0%и иш учун аҳамиятли бўлган, талаб қилинган ихтиёридаги далилларни беришдан бош тортганлигини, 12,5%и гувоҳлантириш, экспертиза, эксперт текшируви учун намуналар олиш, экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштиришдан бош тортганлигини, 20,0%и эҳтиёт чорасидан келиб чиқадиган талабларни бажармаганлигини (айбланувчи, шахсий кафилликка олган шахслар, жамоат бирлашмаси ёки жамоа кафиллигига олганлар, вояга етмаганларни кузатув остига олганлар, ҳарбий хизматчининг хулқ-атвори устидан кўмондонлик кузатувига олганлар), 12,5% и дастлабки терговда иштирок этишдан бош тортганлигини (гумон қилинувчи, айбланувчи ёки бошқа процесс иштирокчилари), 12,5% и ҳимоячи томонидан гумон қилинувчи, айбланувчига зарур юридик ёрдам кўрсатмаганлигини, 2,5% и дастлабки терговда далилларни топиш ва мустаҳкамлашга кўмаклашишдан бош тортганлигини (мутахассис), 12,5% и дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилганлигини, 15,0% и ўзи вакиллик қилаётган шахсларнинг ҳуқуқини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилмаган ва уларни ишончини суиистеъмол қилганлигини (қонуний вакил, вакил), 80,0% и жиноят ишини тергов қилишда тартибга риоя қилмаганлигини, 12,5% тергов ҳаракатларини ўтказишга тўсқинлик қилганлигини, 2,5% и нотўғри таржима қилганлиги, нотўғри хулоса берганлигини, 2,5% и қарор ижроси ўз вақтида ёки умуман бажарилмаганлигини (мансабдор шахс томонидан) таъкидлаган.

Жиноят процессида ўз манфаатини ҳимоя қилувчи шахслар ва бошқа шахслар томонидан процессуал мажбуриятларни бажармаганликлари учун уларга нисбатан қандай чора кўргансиз? деган саволга респондентларнинг 5,0% и маъмурий жазо қўллаганликларини, 20,0% и мажбурий бажартирганликлари, 10,0% и юқори турувчи раҳбарига тегишли чора кўриш учун тақдимнома юборганлигини, 65,0% и ҳеч қандай чора кўрмаганликларини таъкидлаган.

Бугунги кунда жиноят процессида қатнашувчи бошқа шахслар томонидан процессуал мажбуриятларини ўз вақтида ёки умуман бажармасликларига қандай омиллар сабаб бўлмоқда? деган саволга респондентларнинг 42,5%и амалдаги ЖПК ва бошқа қонунларда процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун тегишли ҳуқуқий чораларни тўлиқ белгиланмаганлиги, 20,0%и ҳуқуқ ва мажбуриятларини ва мажбуриятларни бажармаслик оқибатларини яхши тушунмаётганлиги, 25,0%и гумон қилинувчи, айбланувчи ва уларнинг яқин қариндошлари иштирокчиларни маълум бир ҳақ эвазига ўз томонига оғдириши ёки қўрқитиши, тазйиқ ўтказиши, 17,5%и иштирокчиларни моддий томондан қийналганлиги (келиб-кетиш харажатлари билан боғлиқ), 20,0%и иштирокчилар процессуал мажбуриятларини бажармаслик оқибатларини тушунсалар ҳам мажбуриятларни адо этишга нисбатан масъулият билан ёндашмаслиги каби салбий омиллар сабаб бўлаётганлигини таъкидлаб ўтишган. Муаллиф томонидан тадқиқот жараёнида аниқланган салбий омилларнинг олдини олиш ва бартараф этиш юзасидан асослантирилган тавсиялар ишлаб

чиқилган.

Иккинчи бобнинг учинчи параграфи «Суд босқичида процесс иштирокчилари томонидан процессуал мажбуриятларнинг бажарилиши» деб номланади.

Суд амалиётида тарафлардан судланувчи, химоячи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва гувоҳларнинг суд мажлисига узрсиз сабабларга кўра келмаслик ёки суд мажлиси ўтказилаётган вақтда тартибни бузиш ёки судга ҳурматсизлик қилиш каби процессуал мажбуриятлар бажарилмаслиги кузатилади.

Бундан ташқари суд амалиётида судьялар томонидан ҳам процессуал мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари учрайди, жумладан 2017 йилнинг 6 оyi давомида судьяларнинг 7 нафари пора олганлиги туфайли жиноий жавобгарликка, 117 нафари интизомий жавобгарликка тортилган. 2016 йил давомида нотўғри процессуал қарор қабул қилганлиги учун юқори судлар томонидан 34% судьяга нисбатан хусусий ажрим чиқарилган бўлса, 2017 йилда эса 44%, нотўғри процессуал қарор қабул қилганлиги учун юқори судлар томонидан чиқарилган хусусий ажримлар 10%га ошганлигини кузатиш мумкин. 2016 йил давомида 3700 та суд ҳукмлари юқори инстанция судлари томонидан қайта кўриб чиқилиб бекор бўлган, шундан 1362 та жиноят ишларида судланувчиларга нисбатан тайинланган жазо миқдори камайтирилган. 2018 йилда 1881 та жиноят иши далиллар етарли бўлмаганлиги сабабли тугатилган, судлар томонидан 580 нафар шахс оқланган.

Иккинчи бобнинг тўртинчи параграфи «Суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг ҳозирги босқичида жиноят-процессуал мажбуриятларнинг такомиллашуви» деб номланиб, унда муаллиф ЖПКда процесс иштирокчиларнинг яъни уyiда олиб қўйиш ва тинтув ўтказилаётган, мол-мулки хатланган шахслар, алоқа муассасасининг ходимлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарлари, шахсий кафилликка олувчилар, жамоат ёки жамоа кафиллигига олувчилар, мол-мулкни гаровга қўювчилар, вояга етмаганларни кузатувга олувчилар, ҳарбий хизматчининг хулқ-атворини кўмондонлик кузатувида олувчиларнинг ҳуқуқий мақоми тўлиқ белгиланиши лозимлигини илмий-амалий асослантириб тегишли таклиф ва тавсияларни ишлаб чиққан.

Диссертациянинг «**Хорижий давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигидаги процессуал мажбуриятлар ва уларни бажармаганлик учун жавобгарликни такомиллаштиришга оид нормалар таҳлили**» деб номланган учинчи бобида асосий эътибор хорижий давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигидаги процессуал мажбуриятлар ва уларни бажармаганлик учун жавобгарлик белгиланган қонун ҳужжатларидаги нормалар таҳлил қилинган.

Жумладан, учинчи бобнинг биринчи параграфи «*Роман-герман ва инглиз-саксон ҳуқуқ тизимларида жиноят-процессуал мажбуриятлар ва уларни бажармаганлик учун жавобгарлик масалалари*» деб номланади.

Мазкур параграфда Германия Федератив Республикасининг Жиноят-

процессуал кодексида судгача ва суд босқичларида процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жарима ва мажбурлов чоралари суд томонидан айрим ҳолларда эса прокурор томонидан ҳам (қамоқдан ташқари) қўлланилиши, АҚШ Жиноят-процессуал қонунчилигида жиноят процесси иштирокчилари процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун шахс ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ чоралар, яъни процессуал мажбурлов чоралари (қамоқ, ушлаб туриш ва гаров) ва жарима жазоси қўлланилиши баён этилган.

Учинчи бобнинг иккинчи параграфи *«Хитой ва Япония қонунчилигида жиноят-процессуал мажбуриятлар ва уларни бажармаганлик учун жавобгарликнинг ўзига хослиги»* деб номланган бўлиб, унда Хитой ва Япония давлатларининг жиноят-процессуал қонунчилигини ўрганиш орқали процесс иштирокчилари томонидан процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик масаласи таҳлил қилинган. Япония жиноят-процессуал қонунчилигида хизмат мажбуриятларини амалга ошираётган мансабдор шахсларга нисбатан зўрлик ишлатиш ёки уларни қўрқитганлик учун, далилларни йўқ қилганлик учун, гувоҳларни қўрқитганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланганлигини кўриш мумкин. Ёки Хитой жиноят-процессуал қонунчилигида терговчи, прокурор ва судья ишда қатнашувчи тарафларнинг ишонган шахсларидан совғалар олиши ҳамда қонунни бузиш мақсадида улар билан учрашиш мумкин эмаслиги, акс ҳолда ушбу мансабдор шахслар юридик жавобгарликка тортилиши белгиланган (ЖПКнинг 29-м.)

Учинчи бобнинг учинчи параграфи *«Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатлари қонунчилигида жиноят-процессуал мажбуриятлар ва уларни бажармаганлик учун жавобгарлик хусусиятлари»*га бағишланган. Мазкур параграфда муаллиф Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатлари жиноят-процессуал қонунчилигини таҳлил этиб, жиноят процессида асосан процесс иштирокчилари томонидан процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун процессуал мажбурлов чораси, жарима ва жиноий жавобгарлик жазолари назарда тутилганлигига гувоҳ бўлиш мумкинлигини таъкидлайди.

Учинчи бобнинг тўртинчи параграфи *«Хорижий давлатлар қонунчилигининг Ўзбекистон Республикасидаги жиноят-процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик институтининг такомиллашувига таъсири»* деб номланади.

Тадқиқотчи жиноят процессида процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик институтини ҳам хорижий давлатларнинг қонунчилигида тартибга солинишини ўрганиш ва таҳлил қилиш, ижобий ютуқларидан миллий қонун ҳужжатларидаги мазкур масалага оид нормаларни такомиллаштиришда фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди. Жумладан, Германия, АҚШ, Хитой, Япония, Молдова, Беларусь, Эстония, Арманистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон Республикалари ва Россия Федерациясининг амалдаги жиноят-процессуал қонунларини ўрганиб, процессуал мажбуриятлар ва уларни бажармаганлик учун жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигига нисбатан ўхшаш ва фарқли жиҳатларга эга эканлигини

алоҳида таъкидлаган ҳолда суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга ошириш билан боғлиқ ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида хорижий тажриба кўл келмокда деган хулосага келинди.

Айрим хорижий давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигидаги ижобий ютуқлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида, яъни суриштирув ва дастлабки терговда процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик институтини янада ривожлантиришга, мавжуд муаммоларнинг ҳуқуқий ечимини топишга кўмаклашади.

Тадқиқот ишининг **«Жиноят-процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарликка тортиш институти ва уни такомиллаштириш масалалари»** деб номланган тўртинчи боби жиноят-процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик институтини такомиллаштириш зарурати, ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишини ва процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарликка тортишнинг ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш йўллари билан белгилаш масалалари тадқиқ этилгани билан аҳамиятлидир.

Биринчи параграф *«Жиноят-процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик институтини такомиллаштириш зарурати»* деб номланади. Муаллиф амалдаги жиноят-процессуал қонун ва бошқа қонунларда жиноят процессида процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун тегишли юридик жавобгарлик турларининг ҳуқуқий белгиланиши муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлайди. Чунки ҳуқуқий чораларнинг қонунларда белгиланиши процессуал мажбуриятларни бажармаган процесс иштирокчига нисбатан жазо ёки таъсир чорасини қўллашга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади ва жиноят ишини юритиш янада самарали кечишини таъминлаши билан бирга, иш бўйича ҳақиқат қарор топишига ҳам замин яратади. Лекин амалдаги жиноят-процессуал қонунда процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун тегишли ҳуқуқий чоралар тўлиқ белгиланмаганлиги боис судга қадар ёки судда ишни мазмунан ҳал этишга тўсиқлар, хато камчиликларга йўл қўйилмокда. Мавжуд муаммоларни ҳал этиш мақсадида тадқиқотда амалдаги ЖПК, ЖК ва МЖтКларга қатор қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш зарурлиги асослантирилган.

Иккинчи параграф *«Жиноят-процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарликнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишини такомиллаштириш»* деб номланади. Ушбу параграфда муаллиф 2018 йил 14 майдаги «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3723-сонли Президент Қарорида белгиланган муҳим ва долзарб вазифаларни бажариш учун қонунлардаги мавжуд камчиликларни аниқлашга, уларни бартараф этиш борасидаги тегишли таклифларни ишлаб чиқишга имкон бераётганини таъкидлайди. Шунингдек муаллиф амалдаги жиноят-процессуал қонунда процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун тегишли ҳуқуқий чораларни тўлиқ белгиланиши натижаси ўлароқ, амалдаги ЖПК, ЖК ва МЖтК такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиққан.

Учинчи параграф «*Жиноят-процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарликка тортишнинг ҳуқуқий механизмини такомиллаштириши*» деб номланади. Мазкур параграфда амалдаги ЖПКнинг таҳлили орқали жиноят процессида процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун фақат жиноий жавобгарликка тортиш механизми тартибга солинганлигини кўриш мумкин. Масалан, гувоҳ ёлфон кўрсатув берганлик учун жиноят иши кўзғатилади ва белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Бошқа процесс иштирокчиларнинг суд-тергов амалиётида процессуал мажбуриятларини бажармаганлик учун интизомий, маъмурий ёки фуқаровий жавобгарликка тортилиши масаласи амалдаги ЖПКда тўлиқ ҳал этилмаган.

Амалдаги ЖПКда процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарликка тортиш механизмининг тўлиқ тартибга солинмаганлиги ишни юритишда процессуал мажбуриятларни бажармаслик ҳолатини аниқлаш, исботлаш ва тегишли юридик жавобгарликнинг у ёки бу турини қўллаш билан боғлиқ муаммоларни юзага келтиради. Шунинг учун ЖПКда жавобгарликка тортишнинг ҳуқуқий механизмини тўлиқ акс эттириш талаб этилади.

Диссертантнинг фикрича, жиноят процессида процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарликка тортишнинг ҳуқуқий механизми процесс иштирокчиларининг, жумладан жиноят процессидаги ҳуқуқий мавқеи ва мажбуриятларнинг бажарилмаслиги оқибатидан келиб чиққан ҳолда ҳал этилиши зарур. Процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарликка тортиш механизми қуйидаги босқичларда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

- 1) процессуал мажбуриятларни бажармаслик ҳолатини аниқлаш;
- 2) процессуал мажбуриятларни бажармаслик ҳолатини исботлаш;
- 3) процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун тегишли жавобгарликни белгилаш ва қўллаш.

Жиноят процессида процессуал мажбуриятларни бажармаслик ҳолатини аниқлаш ва исботлаш вазифаси ЖПКнинг 85-95-моддаларига мувофиқ суриштирувчи, терговчи ва прокурорга юклатилиши, агарда дастлабки терговда процессуал мажбуриятларни бажармаслик ҳолати ишни юритишга масъул бўлган мансабдор шахслар томонидан содир этилса, уларнинг юқори турувчи раҳбарлари ёки бошқа ваколатли мансабдор шахсларга ушбу процессуал мажбуриятларни бажармаслик ҳолатини аниқлаш ва исботлаш вазифаси юклатилиши лозимлиги баён этилган.

Шунингдек, жиноят процессида процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун тегишли жавобгарликни қўллаш амалдаги ЖПКнинг 23, 29-моддаларига мувофиқ суд органлари томонидан амалга оширилиши лозим.

Муаллиф ЖПКга «*Процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарликка тортиш тартиби*» деб номланувчи 271¹-моддасини киритиш зарурлигини асослантирган ва мазкур норма матни юзасидан таклиф тайёрлаган.

ЖПКда жиноят процесси иштирокчиларининг процессуал мажбуриятлари ва уларни бажармаганлик учун жавобгарликка тортиш механизмининг тўлиқ белгиланиши, процесс иштирокчиларини ўз мажбуриятларига нисбатан масъулият билан ёндашишларига, суриштирувчи, терговчи ва прокурор процессуал мажбуриятларини бажармаган процесс иштирокчисига нисбатан тегишли чорани қўллашда туғиладиган қийинчиликларни бартараф этиш баробарида ўз навбатида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судьянинг ҳам қонунга қатъий риоя қилган ҳолда тергов ва процессуал ҳаракатларни сифатли ўтказишига ундайди. Бу эса жиноят иши юритуви жараёнининг самарали кечишига ва жиноят иши бўйича ҳақиқат қарор топишига тўлиқ замин яратади.

ХУЛОСА

Жиноят-процессуал муносабатларда жиноят-процессуал мажбуриятлар ва уларни бажармаганлик учун жавобгарликнинг назарий, ҳуқуқий ва амалий жиҳатларини комплекс равишда ўрганиш ва таҳлил қилишга бағишланган мазкур тадқиқот ишининг натижалари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

I. Жиноят-процессуал, жиноят ҳуқуқи фанлари назариясини ривожлантириш юзасидан тавсиялар:

1. Процессуал мажбуриятларни бажармаслик жиноят-процессуал қонун нормасининг бузилишига, яъни қоидабузарликка сабаб бўлади. Жиноий процессуал қоидабузарлик учун қуйидаги таъсир чораларини қўллаш мумкин:

процессуал мажбурлов чоралари ва мажбурлов хусусиятига эга бўлган бошқа ҳаракатлар (экспертиза, гувоҳлантириш);

моддий ҳуқуқдаги (жиноят, маъмурий, интизомий ва фуқаровий) юридик жавобгарлик қўлланилади (масалан, гувоҳ ёлғон гувоҳлик берса – ЖКнинг 238-м., кафилликка олувчи ёзма мажбуриятини бажармаса – МЖТКнинг 207-м., прокурор жиноят ишини ҳар томонлама ва холисона тергов қилмаган терговчининг устидан тақдимнома киритса – интизомий жазо қўлланилиши);

2. Процессуал ҳуқуққа оид атамаларнинг қуйидаги муаллифлик таърифлари таклиф этилади:

Процессуал мажбурият – жиноят-процессуал муносабатларда ишни мазмунан ҳал этиш жараёнида бажарилиши қатъий талаб этиладиган нормалар йиғиндиси.

Процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик – иш юритиш жараёнида процесс иштирокчиларининг ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларини бажармаслиги оқибатида келиб чиқадиган моддий (жиноий, маъмурий, интизомий, фуқаровий) жавобгарлик ҳамда процессуал мажбурлов чоралари.

Процессуал интизом – жиноят процесси иштирокчиларининг ЖПКда белгиланган ҳуқуқларидан фойдаланиши, мажбуриятларни бажариши ва иш юритувга оид тартиб-қоидаларга қатъий риоя этишини таъминлаш механизми.

3. Жиноят процессида процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган процесс иштирокчиларига аниқлик киритилди ва бошқа шахслар тоифасини кенгайтириш тавсия этилди.

II. Процессуал мажбуриятларни бажаришга оид миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар:

4. ЖПКда жиноят-процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик ва жавобгарликка тортиш тартиби тўлиқ белгиланмаганлиги боис ЖПКга «Процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик ҳамда жавобгарликка тортиш тартиби» номли янги 4¹-бўлим киритиш керак;

5. ЖПКнинг 271-моддасини қуйидаги мазмунда янги тахрирда баён этиш зарур:

271-модда. Процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик

Жиноят ишини юритиш чоғида Жиноят кодексининг 230–241¹-моддаларида назарда тутилган, одил судловга қарши қаратилган жиноятни содир этган процесс иштирокчилари ушбу Кодекснинг умумий қоидаларига биноан жавобгарликка тортиладилар.

Бундан ташқари, қуйидаги ҳолатларда процессуал мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун МЖтКнинг 48, 181, 182¹, 207, 208-моддаларига мувофиқ маъмурий жавобгарлик келиб чиқиши мумкин:

жабрланувчилар ва гувоҳлар – суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг гувоҳлантиришдан, экспертизадан ўтиши, эксперт текшируви учун намуналар тақдим этиши тўғрисидаги қонуний талабларини бажаришдан бош тортса;

уйида олиб қўйиши, тинтув ўтказилаётган шахслар, шунингдек мол-мулки хатланган шахслар (гумон қилинувчи, айбланувчи ва уларнинг яқин қариндошларидан ташқари) – суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг талаби билан изланаётган ашёларни беришдан бош тортса ёки бошқа процессуал ҳаракатларнинг амалга оширилишига тўсқинлик қилса;

алоқа муассасасининг бошлиғи ёки ходимлари – суднинг почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш тўғрисидаги ажримини бажармаса ёки ўз вақтида, етарли даражада бажармаса;

мансабдор шахслар ва фуқаролар – улар ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришига, эксперимент ўтказишига, мурдани эксгумация қилишига, олиб қўйиши ва тинтув ўтказишига тўсқинлик қилса;

корхона, муассаса, ташиқлотларнинг раҳбарлари – суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувиغا биноан гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, гувоҳ, мутахассис, эксперт, таржимон, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг вакиллари, жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси, халқ маслаҳатчиларининг келишига тўсқинлик қилса, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг тақдимномасини ёки суднинг жиноят сабаблари ҳамда содир

этилишига имкон берган шарт-шароитларга барҳам бериш тўғрисидаги хусусий ажримини бажармаса ёхуд талаб даражасида бажармаса;

эксперт, мутахассис, таржимон, қонуний вакил, вакил, шунингдек фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар (гумон қилинувчи ва айбланувчидан ташқари) – суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг чақирувига биноан узрли сабабларсиз келмаса;

мутахассис узрли сабабларсиз – суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг қонуний талабига биноан далилларни топиш ва уни мустаҳкамлашга кўмаклашишидан бош тортса;

процесс иштирокчилари (гумон қилинувчи, айбланувчидан ташқари) – суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг огоҳлантиришига қарамай иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилса;

қонуний вакиллар ва вакиллар – суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг огоҳлантиришига қарамай ўзлари вакиллик қилаётган шахсларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини суиистеъмол қилса;

эҳтиёт чораси сифатида шахсий кафилликка олувчи шахс ёки шахслар, жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллари, вояга етмаганларни кузатув остига олган ота-оналар, васийлар, ҳомийлар, болалар муассасаси маъмуриятининг раҳбари – айбланувчининг муносиб хулқ-атворда бўлишини таъминлаш тўғрисидаги ёзма мажбуриятларини бажармаса.

Ушбу қисмнинг 1 ва 2-бандларида назарда тутилган ҳолатлар ЖПКнинг 145, 161, 180, 192-моддаларига мувофиқ ҳал этилади.

Ҳарбий хизматчининг хулқ-атвори устидан қўмондонлик кузатувида олган ҳарбий қисм, қўшилма, ҳарбий муассаса, ҳарбий ўқув юртининг мансабдор шахси ёки ушбу мажбурият зиммасида бўлган бошқа шахслар айбланувчининг муносиб хулқ-атворда бўлишини таъминлаш тўғрисидаги ёзма мажбуриятларини бажармаганликлари учун ҳарбий интизом низомларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Суриштирувчи, терговчи ва прокурор ЖПК нормаларига риоя этмаганликлари учун келтириб чиқарган оқибатига қараб, интизомий, фуқаровий ёки жиноий жавобгарликка тортиладилар.

6. ЖПКни «Процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарликка тортиш тартиби» деб номланувчи куйидаги матндаги 271¹-модда билан тўлдириш таклиф этилади:

271¹-модда. Процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарликка тортиш тартиби

Ишни судга қадар юритишида ушбу Кодекснинг 271-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар аниқланганда терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахс, суриштирувчи, терговчи ҳолислар иштирокида баённома тузиб, тегишли ҳужжатлар билан бирга туман (шаҳар) маъмурий судига кўриб чиқиш учун юборади.

Ишни судга қадар юритишида процессуал мажбуриятларни бажармаслик хизмат вазифалари билан боғлиқлиги аниқланганда

суриштирувчи, терговчи ёки прокурор процессуал мажбуриятни бажармаган процесс иштирокчисининг раҳбарига тақдимнома киритади. Киритилган тақдимнома асосида кўрилган чора ҳақида тегишли корхона, муассаса ва ташикilot бир ой ичида суриштирувчини, терговчини ва прокурорни хабардор қилиши керак.

Суриштирув, дастлабки тергов ёки суд томонидан ушбу Кодекснинг 83-моддаси 1 ва 3-бандлари бўйича тугатилган ёхуд ўрнатилган тартибда оқланган шахсга нисбатан қонунга хилоф равишда қарор қабул қилганлиги туфайли етказилган мулкӣ ёки маънавий зарарни қоплаш ЖПКнинг 301–313-моддаларида назарда тутилган тартибда суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан ҳал этилади.

Мазкур моддада кўрсатилган процесс иштирокчилари томонидан жиноят содир этганлиги аниқланганда, ушбу Кодекснинг умумий жиноят иши юзасидан суриштирув ёки дастлабки тергов амалга оширилади.

7. ЖПК 2-бўлими 6-бобида кўрсатилган жиноят процесси иштирокчилари одил судловни амалга оширишга кўмаклашади шу боис мазкур боб номини «Гувоҳ ва жиноят процессида одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар» деб ўзгартириш таклиф этилади;

8. ЖПКнинг 2-бўлимига «Жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар» деб номланувчи янги 75¹ ва 75²-моддалар киритилиб, уларни қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

75¹-модда. Жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар

Жиноят процессида қуйидаги шахслар қатнашишлари мумкин: зарурат туфайли уйида олиб қўйиш ва тинтув ўтказилаётган шахслар; мол-мулки хатланган шахслар; корхона, муассаса ва ташикilotларнинг раҳбарлари; шахсий кафиликка олувчилар; жамоат ёки жамоа кафилигига олувчилар; гаровга қўювчи, вояга етмаганларни кузатувга олувчилар; ҳарбий хизматчининг хулқ-атворини қўмондонлик кузатувида олувчилар.

75²-модда. Жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар: қандай иш кўрилаётганлигини билиш, ўз она тилидан ва таржимон хизматидан фойдаланиш, ўзи қатнашаётган процессуал ҳаракат бўйича қабул қилинаётган қарорлар ва натижаси юзасидан расмийлаштириладиган ҳужжатлар билан танишиш, шахсий ва жамоа кафилигидан воз кечиш, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари, қарорлари устидан шикоятлар келтириш ҳуқуқларига эгадирлар.

Жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар: суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг талаби билан изланаётган ашёларни беришдан бош тортмаслик, процессуал ҳаракатлар ўтказилишига тўсқинлик қилмаслик, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг қонуний талабларини бажаришга мажбурдирлар.

Мазкур модданинг биринчи қисмида назарда тутилган процесс иштирокчилари жиноят иши юзасидан ўзлари иштирок этган процессуал ҳаракатлар бўйича гувоҳ тариқасида сўроқ қилиниши мумкин. Бундай

ҳолларда ушбу процесс иштирокчилари ЖПКнинг 66-моддасида белгиланган гувоҳнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлади ва кўрсатув беришдан бош тортганлик, шунингдек била туриб ёлгон кўрсатув берганлик учун қонунда белгиланган тарзда жавобгар бўлади.

9. ЖПКнинг «Суд мажлисида тартибни бузганлик учун жавобгарлик» деб номланувчи 272-моддаси номини «Суд мажлисида тартибни бузган процесс иштирокчиси ёки бошқа шахсларнинг жавобгарлиги» деб номлаш ва тўртинчи қисмининг биринчи хат бошидаги «...чиқариб юборилган шахс» жумласини «...чиқариб юборилган ҳуқуқбузар» сўзларига алмаштириш;

10. ЖПКнинг 272-моддаси биринчи қисмидаги «...маъмурий жавобгарликка тортилиши ҳам мумкинлиги хусусида огоҳлантирилади» жумласини «МЖТКнинг 180, 181-моддаларига мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортилиши билан ҳам огоҳлантирилади» деган жумлага ўзгартириш.

11. ЖПКнинг 473-моддаси биринчи қисмини «Агар судланувчи суд залидан чиқариб юборилган бўлса, ҳукм унинг иштирокида эълон қилинади ёки эълон қилингандан кейин унга дарҳол маълум қилиниб, тилхат олинади» деган таҳрирдаги 2-банд билан тўлдириш таклиф этилади;

12. ЖПКнинг 274-моддасини «Жарима солиш тўғрисидаги масалани суд томонидан ҳал қилиш тартиби» деб номлаш ва ушбу модда матнидаги «таржимон, мутахассис ва кафилга пул ундириши» жумласини чиқариб ташлаш таклиф этилади.

13. МЖТКга янги 182¹-модда киритиб, уни қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

182¹-модда. Процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун маъмурий жавобгарлик

Жиноят ишини юритиш чоғида процесс иштирокчилари томонидан ЖПКнинг 271-моддаси иккинчи қисмида белгиланган ҳолатларни содир этганлик энг кам иш ҳақининг бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

14. МЖТКнинг 245-моддаси биринчи қисмидаги «...182,» рақамидан кейин «182¹» рақамини киритиш таклиф этилади;

III. Процессуал мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашга оид суд-тергов амалиётини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар:

15. Жиноят ишини юритишга масъул мансабдор шахсларнинг процессуал мажбуриятларини бажармаслигига сабаб бўлаётган омилларни аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

суриштирувчи, терговчи ва прокурор лавозимига номзодларни танлашда уларнинг билимини чуқур текшириш ва уларни мутахассислик йўналишида камида беш йил амалий тажрибага эга бўлган етук мураббийларга бириктириш ва мураббийларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

процессуал мажбуриятларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини

таъминлаш учун суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судьяларни процесс иштирокчилари билан психологик мулоқот ўрнатиш, тегишли тактик усулларни танлаш ва уларни самарали қўллашга доир кўникмаларини ошириб бориш;

ишни юритишга масъул мансабдор шахсларнинг процессуал мустақиллигини таъминлаш (юқори турувчи раҳбарларнинг ғайриқонуний оғзаки кўрсатма бериши ёки бошқа шахсларнинг ноқонуний тазйиқ ўтказиш ҳолатларининг олдини олувчи қоидаларни ишлаб чиқиш ва ҳ.к.);

ишни юритишга масъул мансабдор шахсларнинг фаолиятини тўғри ташкил этиш;

процессуал чиқимларни давлат ҳисобидан ўз вақтида қопланишини таъминлаш чораларини кўриш;

процессуал мажбуриятларнинг иштирокчилар томонидан тўлиқ, ўз вақтида ва ортиқча қийинчиликларсиз бажарилишини таъминлаш ҳамда жиноят ишини юритишда процесс иштирокчиларига қулайлик яратиш мақсадида жиноят процессида электрон тартибда иш юритишни янада кенгайтириш.

17. Жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган шахслар ва бошқа шахсларнинг процессуал мажбуриятларини бажармасликларига сабаб бўлаётган омиллар аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

а) процесс иштирокчиларига ҳуқуқ ва мажбуриятларини (масалан, тергов ҳаракати баённомасида тартибга риоя этиш мажбуриятини) ҳамда мажбуриятларни бажармаслик оқибатларини етарли даражада тушунтириш ва тегишли процессуал ҳужжатда мустаҳкамлаш;

б) процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашни тўғри ташкил этиш;

в) процесс иштирокчиларининг мажбуриятларни бажаришлари билан боғлиқ процессуал чиқимлар, яъни харажатларни давлат ҳисобидан тўлиқ қоплаш чораларини кўриш;

г) жиноят-процессуал муносабатларда процессуал мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ бажаришга ундайдиган рағбатлантирувчи нормаларнинг қўлланиш доирасини янада кенгайтириш.

18. Тергов-суд амалиётида процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун

процессуал мажбуриятларни бажармаслик ҳолатларини аниқлаш;

процессуал мажбуриятларни бажармаслик ҳолатларини исботлаш;

процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун тегишли жавобгарликка тортиш.

Биринчи босқичда ваколатли мансабдор шахс процесс иштирокчисини процессуал мажбуриятларни узрли сабабларсиз қасдан бажармаганлигини аниқлайди. Бунда, аввало, ваколатли мансабдор шахс процесс иштирокчисини ЖПКда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан таништирган бўлиши ҳамда мажбуриятларни бажармаслик оқибатлари ҳақида олдиндан огоҳлантирган бўлиши талаб этилади.

Иккинчи босқичда ваколатли мансабдор шахс процессуал мажбуриятларни бажармаслик ҳолатини тасдиқловчи маълумотларни тўплайди ва хужжатлаштиради, яъни процессуал мажбуриятни бажармаган иштирокчини олдиндан огоҳлантирганлигини тасдиқловчи хужжат, процессуал мажбуриятни бажармаганлик ҳолатини акс эттирувчи маълумотларни холислар иштирокида тегишли баённома ёки далолатномаларда акс эттиради ва қарор ёки хулоса чиқаради.

Учинчи босқичда ваколатли мансабдор шахс процесс иштирокчисини процессуал мажбуриятни бажармаганлик ҳолатини исботловчи далилларга таянган ҳолда, қоидабузарликнинг оқибатига кўра тегишли таъсир чорасини қўллаш чораларини кўради, яъни ўз ваколатидан келиб чиқиб, таъсир чорасини белгилайди ҳамда уни ижро эттиради ёки хужжатларни тегишли чора қўллаш ваколатига эга шахс ёхуд органга юборади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Уч.25.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ АКАДЕМИИ МИНИСТЕРСТВА
ВНУТРЕННИХ ДЕЛ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**МИНИСТЕРСТВО ВНУТРЕННИХ ДЕЛ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
АКАДЕМИЯ**

КУЛМАТОВ ШАРОФ АСАДОВИЧ

**УГОЛОВНО-ПРОЦЕССУАЛЬНЫЕ ОБЯЗАННОСТИ И
ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ, ПРАВОВЫЕ И ПРАКТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ
ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА ИХ НЕВЫПОЛНЕНИЕ**

**12.00.09 – Уголовный процесс. Криминалистика, оперативно-розыскное право
и судебная экспертиза**

**АВТОРЕФЕРАТ
докторской (DSc) диссертации по юридическим наукам**

Ташкент – 2019

Тема докторской (DSc) диссертации зарегистрирована под номером B2017.3.DSc/Yu61 Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Докторская диссертация выполнена в Академии Министерства внутренних дел Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице Научного совета (www.akad.mvd.uz-ilmiy-kengash) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный консультант:	Ражабова Мавжуда Абдуллаевна доктор юридических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Пулатов Бахтиёр Халилович доктор юридических наук, профессор Пулатов Юрий Сайфиевич доктор юридических наук, профессор Тўлаганова Гулчехра Захитовна доктор юридических наук, профессор
Ведущая организация:	Центр повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции Республики Узбекистан

Защита диссертации состоится «2» апреля 2019 года в 15.00 часов на заседании Научного совета 14.07.2016.Yu.26.01 по присуждению ученой степени доктора наук при Академии министерства внутренних дел Республики Узбекистан (Адрес: 100197, г.Ташкент, ул. Интизор, 68. Тел./факс: (99871) 265-22-52; e-mail: info@akad.mvd.uz).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Академии министерства внутренних дел (зарегистрирована под №103). (Адрес: 100197, г.Ташкент, ул. Интизор, 68. Тел.: (99871) 265-22-52).

Автореферат диссертации разослан «18» марта 2019 года (протокол реестра №14 от «16» марта 2019 года).

А.С.Турсунов

Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор юридических наук

М.З.Зиёдуллаев

Ученый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, кандидат юридических наук, доцент

А.Г. Закирова

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор юридических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (DSc) диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире институт процессуальных обязанностей и ответственности за их невыполнение играет важную роль для оперативного и полного раскрытия преступлений, справедливого назначения наказания каждому лицу, совершившему преступление, а также недопустимости привлечения к ответственности и осуждения невиновных лиц. В уголовно-процессуальных отношениях своевременное и полное выполнение возложенных на участников процесса обязанностей обеспечивает эффективный ход каждого этапа уголовного процесса, создает фундамент для своевременного установления истины по уголовному делу. В связи с этим процессуальные обязанности приобретают огромное значение на досудебном и судебном этапах.

В мире в уголовно-процессуальных отношениях актуальным является поиск научного решения проблем, связанных с усилением гарантий надежной защиты прав и законных интересов участников уголовного процесса, своевременным и полным выполнением уголовно-процессуальных обязанностей, практикой применения ответственности за невыполнение процессуальных обязанностей. В судебно-следственной практике важное значение приобретают исследования, посвященные устранению случаев дачи ложных показаний свидетелями и потерпевшим, в некоторых случаях воспрепятствования подозреваемыми, обвиняемыми и подсудимыми проведению следственных и судебных действий или несоблюдения участниками уголовного процесса процессуального порядка, иногда уничтожения доказательств, их фальсификации, попыток уговорить свидетелей, нарушения требований мер предосторожности лицами, взявшими на поруки обвиняемого или подсудимого, в некоторых случаях противозаконного ограничения ответственными государственными органами и должностными лицами прав участников процесса, неуважения чести и достоинства личности и невыполнения других обязанностей, вытекающих из требований закона.

В нашей стране последовательно и системно осуществляются реформы, касающиеся обеспечения прав, свобод и законных интересов участников уголовного процесса. В Стратегии действий на 2017-2021 годы по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан предусмотрены такие задачи, как «обеспечение в деятельности судов, правоохранительных и контролирующих органов гарантий надежной защиты прав и свобод граждан, достижение гражданами без препятствий правосудия»⁴. А это предполагает дальнейшее развитие института уголовно-процессуальных обязанностей и ответственности за их невыполнение.

⁴Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года // Сборник законодательных документов Республики Узбекистан – 2017, – № 6. – Ст.70.

Данная диссертация в определенной степени служит реализации положений Уголовного кодекса Республики Узбекистан (1994), указов Президента Республики Узбекистан №УП-4850 от 21 октября 2016 года «О мерах по дальнейшему реформированию судебной-правовой системы, усилению гарантий надежной защиты прав и свобод граждан», №УП-5268 от 30 ноября 2017 года «О дополнительных мерах по усилению гарантий прав и свобод граждан в судебной-следственной деятельности», №УП-5308 от 22 января 2018 года «О Государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах в «Год поддержки активного предпринимательства, инновационных идей и технологий», постановлений Президента Республики Узбекистан №ПП-3723 от 14 мая 2018 года «О мерах по кардинальному совершенствованию системы уголовного и уголовно-процессуального законодательства» и других законодательных документов, касающихся данной сферы.

Связь исследования с основными приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации⁵. Исследования, касающиеся повышения эффективности уголовно-процессуальных обязанностей и института ответственности за их невыполнение, ведутся в ведущих мировых научных центрах и высших учебных заведениях, в частности учеными American University of Armenia (Армения), Harvard University (АКШ), Miskolc University (Германия), Московского университета МВД России, Волгоградской академии, Московской государственной юридической академии, Саратовской государственной юридической академии (Россия), Ташкентского государственного юридического университета и Академии МВД Республики Узбекистан (Узбекистан).

В мире в результате осуществления исследований в области совершенствования института ответственности за невыполнение уголовно-процессуальных обязанностей были достигнуты определенные результаты, в частности: обоснованы значение и необходимость процессуальных прав и обязанностей участников уголовно-процессуальных отношений (American University of Armenia); обоснована необходимость применения мер принуждения и юридической ответственности по отношению к участникам уголовного процесса, невыполнившим своих процессуальных обязанностей (Harvard University, Miskolc University); обоснованы процессуальные права и обязанности участников уголовно-процессуальных отношений, их юридический статус и то, что этот юридический статус определяет их

⁵Обзор международных научных исследований по теме диссертации осуществлена на базе сайтов: <http://aau.am>, www.harvard.edu, www.uni-miskolc.hu/en, <https://мосу.мвд.рф>, <http://akadmvd.uz>, [sgya.pf, mail.va-mvd.ru](mailto:sgya.pf@mail.va-mvd.ru) и другие источники.

участие в деле (Московский университет МВД России); определены виды юридической ответственности, возникающие вследствие невыполнения уголовно-процессуальных обязанностей и раскрыты их особенности (Волгоградская академия, Московская государственная юридическая академия, Саратовская государственная юридическая академия); обоснована юридическая природа, влияние процессуальных мер принуждения в уголовно-процессуальных отношениях и их место в ограничении прав, свобод и законных интересов (Ташкентский государственный юридический университет); обоснована необходимость обеспечения безопасности потерпевшего, свидетелей и других участников уголовного процесса для своевременного и полного выполнения уголовно-процессуальных обязанностей (Академия МВД Республики Узбекистан).

В мире проводятся научно-исследовательские работы по совершенствованию института ответственности за невыполнение уголовно-процессуальных обязанностей, в частности по следующим приоритетным направлениям: расширение процессуальных прав в уголовно-процессуальных отношениях, совершенствование правовых механизмов, связанных со своевременным и полным выполнением участниками уголовного процесса своих уголовно-процессуальных обязанностей; создание удобств участникам уголовного процесса для выполнения ими уголовно-процессуальных обязанностей и расширение стимулирующих норм, обеспечение безопасности потерпевших, свидетелей и других участников уголовного процесса.

